*Инсон ўзи бир олам, она заминимиздаги кўплаб гўзаллик ва эзгуликлар унинг бунёдкорлиги, сайъ-ҳаракати туфайли юзага келган.*

*Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан "Ислоҳот-ислоҳот учун эмас, инсон учун" ғоясининг ўртага ташланиши инсон манфаатлари ҳимояси учун кенг йўл очиб берди. Барча соҳалардаги каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ҳуқуқий ислоҳотларнинг амалдаги кўриниши сифатида суд ҳокимиятининг мустақиллиги тўлиқ таъминланди, миллий қонунчилик тизими яратилди.*

Istiqlol va imkoniyat

# ИНСОН ШАЪНИ МУҚАДДАС

Конституциямизнинг 27-моддасида уқтирилганидек, **"ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш... ҳуқуқига эга"**. Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида худди мана шундай эзгу ғоя ётганини таъкидлаш лозим. Айтиш мумкинки, 2001 йилнинг 29 августида Олий Мажлис томонидан **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**-ги қонуннинг қабул қилиниши инсон ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояси йўлида ташланган муҳим қадам бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши билан судларнинг ихтисослашув жараёни юзага келди. Илгарилари ҳам жиноий, ҳам маъмурий ҳамда фуқаролик ишларининг битта судья томонидан кўриб чиқилиши бир қанча муаммоларни келтириб чиқарарди ва бунинг натижада ҳар қайси жиноят иши ортида инсон тақдири ётганлиги баъзан унут бўлиб қоларди. Бугунги кунда эса фуқаролик ишлари билан боғлиқ жуда чигал, мураккаб низолар ҳам мутахассис судьялар томонидан адолатли кўриб чиқилмоқдаки, бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлиқ ҳимоя қилинишига замин яратмоқда.

Энг муҳими, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиноятларнинг 73,1 фоизини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар таркиби ташкил этадиган бўлди. Билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган шахсларга жазо тайинлашда ҳам озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларининг қўлланилиши айбдорнинг қайта тарбияланиши ва ўз хатосини англаб етиши учун кенг имкониятлар яратди. Элликқалъа туманидаги "Боғёптаъмир" масъулияти чекланган жамияти раиси Камол Эркаев Президентимизнинг **"Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни амалга оширишда корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони талабларига зид равишда, 15 фоизлик олдиндан тўлов шартларини амалга ошириш чораларини кўрмасдан, жамиятнинг 63.200.000 сўмлик иншоотлари ва қорамолларини "Аҳмад Ўрозбоевич" фермер хўжалигига бериб юборган ва жамиятга катта миқдорда зарар етказган. У ўз жиноий қилмишларини давом эттириб, Мадёр Худойберганов бошқарувидаги "Т-4А" русумли занжирли тракторни ҳеч қандай ҳужжатсиз 27 кун давомида фермер хўжалиги ихтиёрига бериб қўйган. Бундан ташқари, у бош муҳандис Шериммат Қурамбоев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, жамиятга тегишли бўлган иккита "Т-28х4" русумли тракторни Йўлдош Қурёзов ва Бахтиёр Қиличевга сохта ҳужжатлар орқали сотиб юборган. Хўжалик омбор мудири Озод Аминов эса, умумий қиймати 3.698.717 сўмлик 79 та ҳар хил эҳтиёт қисмларни камомад йўли билан талон-тарож қилган.

Суд ушбу жиноят ишини кўриш жараёнида судланувчиларнинг ўз айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлиги, етказилган зарарнинг қопланганлигини ҳисобга олди ва айбдорларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чорасини қўллашни лозим топди. Содир қилган жиноий қилмишлари учун Камол Эркаевга энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари миқдорида жарима белгиланди. Шериммат Қурамбоев ва Озод Аминовга ойлик иш ҳақининг 30 фоизи давлат даромади ҳисобига ундирилиши шарти билан ахлоқ тузатиш жазо чораси қўлланилди. Бошқача айтганда, инсон шаъни муқаддаслиги сақлаб қолинди.

Албатта, ўз айбига иқрор бўлиб, қилмишидан азият чеккан кишининг тавбатазаррусини қабул қилиш бағрикенглик, юксак инсонпарварлик нишонасидир. Жиноят кодексига **"Ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида"**ги 66-1-моддасининг киритилганлиги, бошқача айтганда, ярашув институтининг амалиётига жорий этилганлиги айни муддао бўлди. Бундан буён ижтимоий хавфи катта бўлмаган қилмишни содир этган шахс жабрланувчи билан ярашса, ўз айбига иқрор бўлиб, етказилган зарарни бартараф этса, қўзғатилган жиноят иши тугатилади ва энг муҳими, шахс "судланган" деган тамғадан халос бўлади. Бир мисол. "Янгиер" фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудида яшовчи Сотим Жумабоев хўжаликнинг ички асфальт йўлида тракторни бошқариб келаётган Аллаёр Қурбонбоевни учратиб қолади. Ундан Беруний туманидан тахта олиб келиб беришни илтимос қилади. Аллаёр трактор шиналари эскилигини айтганида, Сотим кутилмаганда жанжал кўтаради ва Аллаёрнинг чап жағига темир билан уриб, унга ҳаёти учун хавфли бўлмаган ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказади. Табиийки, бу иш ўз навбатида судда кўриб чиқилди ва суд Сотим Жумабоевнинг жабрланувчи билан ярашганлиги ва бошқа ижобий жиҳатларини инобатга олиб, жиноят ишини юритишдан тугатди.

Конституциямизнинг 24-моддасида яшаш ҳуқуқи инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги таъкидланган. Демак, ҳар қандай фуқаро яшашга ҳақли саналади. Ушбу фикрнинг амалий исботи сифатида Президентимиз томонидан **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги Фармоннинг қабул қилинишини халқимиз мамнунлик билан кутиб олди. Зотан, жиноятчиликнинг камайишида жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлиги эмас, балки айбдор шахснинг жиноятга жазо муқаррарлигини англаб етиши муҳимроқдир. Ўлим жазосининг нечоғлик номақбул иш эканлиги Алишер Навоийнинг "Ҳайратул-Аброр" достонида шундай тасвирланади:

"Сахий бир подшоҳ бор эди. Сахийлигидан халқи уни ҳурмат қилар эди. Унинг бир қули бор эди, хизмат даражаси баковуллик эди. Кунлардан бир куни овқат вақтида фалокат босиб, бир тош қулнинг оёғига урилди, шунда у иссиқ ошни подшоҳнинг устига тўкиб юборди. Одамлар: подшоҳ энди уни ўлдиради. Гуноҳига лойиқ жазо шудир! — дейишди. Шоҳ эса қулнинг хафалигини кўриб, уни кечирди ва озод қилиб юборди.

— Эй сахийликда беғараз шоҳ! Унга тиғдан бошқа нарса лойиқ эмас эди-ку! — деди вазир.

Шоҳ завқ қилиб, лутф билан деди:

— Хижолат ўзи уни ўлдириб бўлди. Ҳеч ким ўлган ўликни қайта ўлдирмаган, бошига жазо тиғин тортмаган".

Улуғ мутафаккир қаламига мансуб ушбу ҳикоят замирида бугунги кун учун ҳам дахлдор катта маъно мужассам. Шунга монанд, мамлакатимизда **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармоннинг қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқлари дахлсизлиги яна бир карра таъминланди. Сир эмаски, ривожланган давлатларда инсоннинг конституциявий ҳуқуқларини фақат судьяларгина чеклай олади. Зотан, судьяларгина фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиғича ҳимоя қила олиши мумкин. Демак, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судга ўтказилиши орқали инсоний қадриятлар дахлсизлиги кафолатланади.

Инсон шаъни муқаддас. Инсон улуғворлиги, қадр-қиммати ҳамиша эъзозлаб келинган. Мустақиллигимиз шарофати ва суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар туфайли бу туйғу янада қадр топди.

**Анажон РАЗЗОҚОВА,**
**Элликқалъа тумани**

Faoliyat

*Оила жамиятнинг асосий бўғинидир. Негаки, жамиятнинг нечоғлик тараққий этиши оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитга чамбарчас боғлиқ. Ўз навбатида оила пойдеворининг мустаҳкамлиги унинг дебочаси ва муқаддимаси бўлмиш никоҳга бориб тақалади.*

# ВАТАН ИЧРА МЎЪЖАЗ ВАТАН

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида туманимизда 714 та никоҳ қайд этилди, оилаларга қувонч ҳадя этган 3019 та чақалоққа туғилганлик ҳақидаги гувоҳномалар берилди. 20 нафар болажонлар меҳрибон, ғамхўр оилалар томонидан фарзандликка олинди.

Оиладаги баркамолликнинг асосий омилларидан бири бу — ота-онанинг кенг дунёқараши ва юқори билим соҳиби эканлиги билан изоҳланади. Шундай экан, биз оила, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, ота билан она, ота-она ва фарзандлар, фарзандларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги билимларни фуқароларимизга, айниқса, никоҳдан ўтаётган йигит-қизлар онгига чуқур сингдиришга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун бўлимимизда ҳар ойнинг биринчи ва учинчи пайшанба кунлари "Оила сабоқлари", "Қудалар суҳбати" мавзусидаги ўқув-машғулотлари мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Қолаверса, туманимиздаги 11-сонли аниқ ва табиий фанларга ихтисослашган мактаб-интернатда вилоят адлия бошқармасининг ҳуқуқий маърифат ва тарғибот бўлими, туман хотин-қизлар кенгаши, нотариал идораси, туман прокуратураси билан ҳамкорликда мунтазам равишда ўтказиб келинаётган "Оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги" мавзусидаги тадбирлар ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Албатта, никоҳга кириш ва оилавий муносабатлар борасида барча ҳам бир хил фикр ва тушунчага эга дейиш қийин. Шу боис ҳам биз ўз фаолиятимиз давомида айни масалада баъзи кўнгилсиз ҳолатларга ҳам дуч келамиз.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

Tahlil va saboq

# РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Натижада тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини кафолатлашнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Шунга кўра, хусусий мулкдорлар тоифаси шаклланди, республикамиз иқтисодиётини юксалишида уларнинг фаолияти яққол сезила бошлади. Бироқ низом жамғармасида давлат улуши бўлган йирик корхоналарнинг молиявий аҳволини ёмонлашуви, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар, хом ашё, газ, электр қуввати етказиб берувчи ташкилотлар олдида ва иш ҳақлари бўйича қарзлари ошиб кетиб, банкротликка тушиб қолаётган ҳолатлар тўлиқ бартараф этилган эмас.

Шу ўринда, хўш, корхоналарнинг бундай аҳволга тушиб қолишининг сабаблари нимада, деган савол туғилиши табиий.

Мана, бир мисол: Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси "Булунғур" ОАЖни банкрот, деб эътироф этиш ҳақидаги ариза билан вилоят хўжалик судига мурожаат этган. Ушбу ариза бўйича қўзғатилган хўжалик иши сайёр суд мажлисида кўриб чиқилиб, "Булунғур" ОАЖ банкрот деб эътироф этилди ва уни тугатишга доир жараён бошланди. Иш ҳужжатлари таҳлилидан аён бўлишича, корхона вино маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, мингдан ортиқ иш ўринларига эга бўлган. Жамиятнинг собиқ раислари С.Эгамов, М.Қаюмов ва цех бошлиғи И.Аллаберганов моддий бойликларни ўзлаштириб юборганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилиб, Жиноят кодексининг 167-205-моддаларига асосан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилган.

Корхонанинг 2005 йил 7 ноябргача бўлган кредиторлик қарзи 736.000.000 сўм. Шундан 511.000.000 сўми бюджет олдидаги қарзлар. Бугунги кунда корхона ачинарли аҳволда: мол-мулк, асбоб-ускуналар ташландиқ ҳолда.

Яна бир мисол. Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси "Каттақўрғон қурилиш материаллари заводи" акциядорлик жамиятини банкрот деб эътироф этиш ҳақидаги ариза билан вилоят хўжалик судига мурожаат қилган. Вилоят хўжалик судининг 2005 йил 11-майдаги ҳал қилув қарори билан қарздор банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир ишлар бошланган. Корхонанинг мол-мулки 125.858.900 сўмни, кредиторлик қарзи эса 226.990.000 сўмни ташкил қилади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, кейинги пайтларда нафақат устав жамғармасида давлат улуши бўлган йирик корхоналар, балки кичик ва ўрта бизнес субъектлари туркумига кирувчи корхоналар фаолиятида ҳам бу каби салбий ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, Самарқанд туманидаги "Набибобо-савдо" МЧЖнинг 254.869.000 сўм, "Сабрина-Интермонд" хусусий фирмасининг 676.432.984 сўм, "Юксак-Маданият" хусусий фирмасининг 60.649.042 сўм бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан қарзлари бор. Вақтида бу қарзларни тўламагани сабабли, **"Банкротлик тўғрисида"**ги қонун талабларига мувофиқ, мазкур фирмалар банкрот деб эътироф этилди.

Юқорида қайд этилган корхоналарнинг мансабдор шахслари солиқ тўлашдан бўйин товлаганлиги, савдо қоидаларини бузгани, нақд пул тушумини банкка топширмагани, солиқларни ҳисоблашни қийинлаштириш мақсадида бухгалтерия ҳужжатларини ва ҳисоботларни қасддан йўқ қилганликлари учун Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилдилар. Бундан ташқари, солиқ тушумини талаб даражасида назорат қилмаганлиги учун Самарқанд туман солиқ инспекциясининг масъул ходимларига нисбатан ҳам интизомий чора кўриш, бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаш тўғрисида Самарқанд вилоят Давлат солиқ бошқармасига хусусий ажримлар юборилди.

Вилоят хўжалик суди томонидан Самарқанд шаҳрида давлат рўйхатидан ўтган "Самарқанд ишлаб чиқариш корхоналар комбинати (Самарқанд КПП)" банкрот деб эътироф этилганди. Уни тугатиш жараёнида корхонага тегишли мол-мулклар 33.000.000 сўмга баҳоланиб, сотувга қўйилди ва кимошди савдоси орқали хусусий тадбиркор Олим Муродовга сотилган. Аммо О.Муродов тўланиши лозим бўлган мол-мулк қийматининг 33.000.000 сўмдан 20.000.000 сўмини тўлаган, холос. Энг ачинарли томони шундаки, янги мулкдор корхонани тиклаш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, иш ўринларини яратиш ўрнига қолган 13.000.000 сўмни тўлаб улгурмасданоқ, корхона мол-мулкини талон-тарож қилишга киришган. Вилоят хўжалик суди томонидан айбдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди, ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Корхоналар банкрот деб эътироф этилди, айбдор шахслар тегишли равишда жазоланди. Аммо, бу корхоналарнинг миллион-миллион қарзларини ким тўлайди? Хўжалик юритувчи субъектлар, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қарзлар қайси ҳисобдан қопланади?

Албатта, айбдор биринчи ўринда уларнинг мансабдор шахслари, айнан раҳбарларидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, раҳбарлик, энг аввало, масъулият демакдир. Кимки раҳбарликни масъулият эмас, ўз шахсий манфаати йўлида имконият деб тушунар экан, шубҳасиз, биз юқорида келтирган мисоллардаги корхоналар раҳбарларига ўхшаб, эл олдида юзи шувут бўлиб қолади. Элнинг назаридан қолишдан эса яратганнинг ўзи асрасин.

**У.ЭРНАЗАРОВ,**
**Самарқанд вилоят хўжалик суди раиси**

Huquq va burch

# ҲАЁТИМИЗ МЕЗОНИ

Ҳаётдаги ҳар қандай тараққиёт ва ривожланиш муайян ҳуқуқий асосларга эга бўлса, кутилган самарани беради. Бу фикрнинг нечоғлик тўғри эканлигини истиқлол даврида кечган мустақил тараққиётимиз, халқимиз қўлга киритган улкан муваффақиятлар ҳам тўлиқ тасдиқлайди.

Зотан, ўтган қисқа давр мобайнида халқимиз ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлаши, жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибор қозонишида истиқлолнинг илк йилларида қабул қилинган Бош қомусимиз – Конституциямиз тўлиқ ҳуқуқий кафолат яратиб берди.



Энг муҳими, ўтган давр ичида Асосий қонунимизнинг ўзи ҳам жиддий бир қатор синовлардан ўтди. У ўзининг халқчиллиги билан ҳам ҳар қандай синовга бардош бериб, ҳар бир фуқаронинг юрагидан ўрин олди. Таъкидлаб ўтиш керакки, Бош қомусимиз моҳиятан фуқароларда Ватан тақдири учун масъуллик туйғусини шакллантирди. Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир халқ, ҳар бир миллат ва элатнинг, шунингдек, турли дин вакилларининг ҳаётий манфаат ва интилишларини ўзида тўлиқ акс эттирди, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, Ватан олдидаги масъулиятларини тўлақонли равишда ифода этиб берди.

Энг асосийси, Конституциямизнинг ҳар бир бандида инсон манфаатлари устувор эканлиги белгиланган. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Асосий қонунимиз ҳақида фикр юритиб, шундай таъкидлаган эди: **"Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда "фуқаро – жамият – давлат" ўртасидаги ўзаро муносабтнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик."**

Айни кунларда мамлакатимизнинг вилоят ва туманлари, фуқаролар йиғинлари ва маҳаллалар ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида Конститутициямиз қабул қилинган куннинг 13 йиллиги муносабати билан турли тадбирлар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири Тошкент юридик коллежида бўлиб ўтди.

**"Конституция – ҳаётимиз мезони"** мавзусида ўтказилган ушбу давра суҳбатида "Конституция – ҳар бир фуқаро ҳаётининг мезони", "Конституция ва маънавий қадриятларимизнинг тикланиши", "Бағрикенглик дастурамали", "Конституциямизда миллий ўзига хослик", "Ижтимоий ҳамкорлик ғоясининг Конституциямизда акс этиши" каби бир қатор мавзуларда маърузалар тингланди. Муҳими, ушбу давра суҳбатида коллеж ўқитувчилари билан бир қаторда талабалар ҳам ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Келажагимиз бунёдкорлари, эртамизнинг эгалари ёшлар. Шундай экан, улар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши, Конституцияни ҳурмат қилишлари, унга сингдирилган ҳаёт ҳақиқатларини англаб етиши лозим. Зотан, қонун англаб етилгандагина ҳар бир фуқаронинг қалбидан жой олади. Фуқаро қўлида дастуриламалга айланади. Ўзининг юксак қадрият эканини ҳар томонлама намоён этади. Чунки ҳуқуқий маданиятга эга бўлган одамгина Конституция унинг барча ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишини тўлақонли англаб етади. Ўз ҳаётини Конституция талабларига мос равишда қуради. Инсоннинг қадр-қимматини, ҳаётнинг мазмуни ва яшамоқлик моҳиятини идрок этади. Шундай экан, ҳар бир фуқаро ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни ўрганиш, уни ҳаётимиз қўлланмасига айлантириш ҳар биримизнинг кундалик юмушимизга айланмоғи лозим.

**Азиз МАТЁҚУБОВ,**
**ҳуқуқшунос**

## АҚШ: БУШНИ АЙБЛАШМОҚДА

Жорий йилнинг ноябрь ойи АҚШ Марказий Разведка Бошқармаси учун кутилмаган жанжаллар билан бошланди. Ва ушбу жанжаллар ҳамон давом этмоқда. Ушбу ҳафтада АҚШ ва Испания ҳукумати ўртасида келишмовчилик келиб чиқди. АҚШ махсус хизмати ходимлари томонидан Майорка оролидаги аэродромдан ноқонуний фойдаланилгани ушбу келишмовчиликнинг асосий сабаби сифатида қайд этилмоқда. Ўтган ҳафтада эса Европа Иттифоқи вакиллари АҚШни Шарқий Европа давлатлари ҳудудида, хусусан, Озарбайжон, Польша ва Руминияда яширин қамоқхоналар қурганликда айблаган эди. Маълумотларга қараганда, ушбу яширин қамоқхоналарда терроризмга алоқаси бор деб гумон қилинган айбланувчилар сақланган ва улар турли жисмоний қийноқларга солинган.

Бугунга келиб Европа Иттифоқининг ушбу айблови учун етарли асослар борлиги ошкор бўлди. Бунга МРБнинг собиқ директори, адмирал Стэнсфилд Тернернинг баёноти сабаб бўлди. Стэнсфилд Тернер 1977 йилдан 1981 йилга қадар МРБ директори лавозимида фаолият кўрсатган.

Адмирал Стэнсфилд Тернер яширин қамоқхоналар ҳақида гапирар экан, жумладан, шундай дейди: **"Биз жуда хавфли ҳудудга кириб қолдик. АҚШ бутунлай ҳаққи бўлмаган ҳолда Афғонистон ва Покистон давлатларида террорчилик ҳаракатлари содир этганликда айбланаётган турли давлат фуқароларини яширин қамоқхоналарда сақламоқда. Айбдорлар бу қамоқхоналарга махсус самолётларда келтирилади. Уларга нисбатан турли жисмоний қийноқ усуллари қўлланилади..."**

Тўғри, адмирал ушбу яширин қамоқхоналар айнан қайси давлат ҳудудида жойлашганлиги ҳақида аниқ маълумот бермаган. Лекин кўпчилик халқаро кузатувчиларнинг фикрларига қараганда, айнан ана шундай қамоқхоналардан бири Руминиянинг "Михаил-Когальничан" авиабазаси ҳудудида жойлашган бўлиши мумкин.



Шунингдек, адмирал ўз сўзида АҚШнинг амалдаги ҳукумати, айниқса, кичик Жорж Бушга жиддий айблар қўйган. Унинг айтишига қараганда, яширин қамоқхоналарнинг ташкил этилиши ва уларда сақланаётган маҳбусларга нисбатан ғайриахлоқий қийноқ усулларининг қўлланишига айнан АҚШнинг амалдаги президенти "фатво" берган.

"Мен Жорж Бушнинг АҚШ қамоқхоналарида қийноқ усуллари қўлланилмаслиги ҳақидаги сўзларига мутлақо ишонмайман", деди у. Қийноқ усуллари қўлланилиши ҳақида гапирар экан, С. Тернер Дик Чейни масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди ва "АҚШдай давлатда қийноқлар бўйича вице-президент лавозими бўлиши жуда ҳам уятли ҳолдир", деб таъкидлади у.

МРБнинг собиқ раҳбарларидан бири, Вьетнам уруши даврида қийноқ усулларини ўз бошидан ўтказган республикачи сенатор Жон Маккейн эса бу ҳақда шундай дейди: "Турли ахборотларни олиш учун айбланувчиларга нисбатан қўлланилаётган қийноқ усуллари ҳеч қачон ўзини оқламайди. Аксинча, американликларнинг душманлари сонини ортишига хизмат қилади, халос..."

АҚШ сенати юқори палатаси тергов жараёнидаги ҳар қандай қийноқ усулларига бутунлай барҳам бериш, бу ҳақда янги қонун қабул қилиш масаласини кун тартибига қўйган. Лекин Жорж Буш бошлиқ ҳукумат юқори палатанинг ушбу қарорига қарши чиқиши мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бугунгача ҳам амалдаги АҚШ ҳукумати раҳбарлари, айниқса, президент Жорж Буш ва давлат котиби Кондолиза Райсга нисбатан ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ва ҳарбийлар томонидан фуқароларга нисбатан турли қийноқ усуллари қўлланилиши муносабати билан бир қатор айбловлар эълон қилинган эди.

## ЯНА ЯШИРИН ҚАМОҚХОНАЛАР ҲАҚИДА

Европа Иттифоқи МРБнинг яширин қамоқхонлари бўйича текширув ўтказишини маълум қилди. Бу ҳақда ПАСЕ раиси Рени ван дер Линден маълумот берган. Унинг айтишига қараганда, бундай яширин қамоқхоналар Шарқий Европанинг Польша, Руминия, Эстония, Литва, Португалия, Испания, Норвегия ва Буюк Британия давлатлари ҳудудида жойлашган бўлиши мумкин. Бугунгача ушбу қамоқхоналарда 80 минг нафардан ортиқ инсонларга нисбатан турли жисмоний қийноқ усуллари қўлланилган. Улар асосан Афғонистон ва Ироқ фуқаролари эканлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор, деб хабар беради "Россия овози" радиостанцияси.

# XXI АСР НАФАСИ




## ИРОҚ: ТИНЧ АҲОЛИ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Гувоҳлар ва полициячилар берган маълумотларга қараганда, Ироқда Америка ҳарбийлари тинч аҳоли кетаётган микроавтобусни ўққа тутишган. Натижада 5 нафар Ироқ фуқароси қурбон бўлиб, 4 нафар фуқаро ҳаёт, учун хавфли даражада жароҳат олган. Қурбон бўлганларнинг 2 нафарини ҳали вояга етмаган болалар ташкил этади.

Ярадор бўлганлардан бирининг берган маълумотига кўра, қурбон бўлган ва ярадорларнинг барчаси бир оила вакиллари бўлишган. Улар Ироқ пойтахти Боғдоддан 80 километр шимолда жойлашган Баллада шаҳарчасидан Баакуба шаҳарчасидаги қариндошларининг дафн маросимига отланишган экан.



АҚШ ҳукумати ва ҳарбийлари ҳозирча ушбу воқеага ҳеч қандай муносабат билдиришгани йўқ.

## "САМОЛЁТНИ ТЎХТАТИНГ! ЧЕКИШИМ КЕРАК..."

Австралиянинг бир шаҳридан иккинчисига парвоз қилган самолётлардан бирида йўловчи ва стюрдессалар ўртасида ғалати келишмовчилик келиб чиқди. Самолёт бортига маст ҳолатда чиққан Австралия фуқароси Сандрин Эллен Селлининг кутилмаганда чеккиси келиб қолди. Та-



биийки, борт кузатувчилари унга салонда чекишга рухсат беришмади. Шунда Селли самолёт "люк"ини очиб, "очиқ ҳаво"да чекишга қарор қилди. Яхшиямки, борт кузатувчилари йўловчининг самолёт люкини очишга уринаётганини ўз вақтида кўриб қолиб, уни тўхтатишди. Акс ҳолда, фожиа юз бериш мумкин эди...

Албатта, Австралия ҳуқуқтартибот идоралари кашанда йўловчига нисбатан қонуний жазо чорасини кўришди. Селли бир йил давомида ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилди.

*Ислом ҲАМРО тайёрлади*

Jinoyat va jazo

**Ўргимчакнинг ҳаракатини ҳеч кузатганмисиз? У уйнинг бир бурчагини ўзига ошиён қилиб олади-да, тўр тўқиб, ўлжа тушишини пойлайди. Бу унинг доимий машғулоти. Уйингизда ўргимчак тўрига кўзингиз тушса, табиийки, таъбингиз хира тортади. Чунки ўргимчак тўри уйнинг қаровсизлигидан далолат беради. Шунинг учун дарҳол уни йўқотишга киришасиз.**

# ЎРГИМЧАК ТЎРИ

**СУД ОЧЕРКИ**

Энди бошқа бир манзарани тасаввур қилиб кўринг. Инсон ҳам ўргимчакдек тўр тўқиб, унга тушган ўлжага кўз тикиб яшаса... Бундай фириб туридан ёмони бўлмаса керак. Ўргимчак инсон учун зарарли ҳашаротлар билан озиқланса, фириб тўрини тўқиган кимсалар одамларнинг соддалигидан фойдаланиб, наф кўриш илинжида бўлади.

Ёши олтмишни қоралаб қолган Амина Ибрагимова ўргимчакнинг "ҳунари"га қизиқиб қолди, шекилли, keксайган чоғида антиқа тўр "тўқиди". Ажабланарли томони шундаки, у тўрни бир ўзи эмас, қизи ва ўғли билан бирга тўқиди.

Ҳаётда ҳар ким ўз ризқини териб яшайди. Хом сут эмган бандамиз-да, баъзан борига қаноат қиламиз, баъзан эса... Қаноатсиз кишилар осонгина бойлик топиш йўлларини излайди. Натижада ноқонуний йўл билан иш битирмоқчи бўлиб, фирибгарнинг тузоғига илинганини сезмай қолади.

Амина Ибрагимова қизи Саодат ва ўғли Шуҳрат Мазҳариддинов билан бирга тўқиган тўрга дастлаб соддадил Тоҳир Худойбердиев тушди.

Гап шундаки, Тоҳир Худойбердиев тадбиркорлик билан шуғулланиш учун кредит олиш ниятида юрганда тасодифан А. Ибрагимова билан ҳамсуҳбат бўлиб қолди-ю, кўнглидаги режасини баён қилди:

— Бироз маблағ керак эди. Кредит масаласи ҳал бўлмаяпти, - деди у.

— Ҳа, кредит олиш осон эмас,— унинг фикрини тасдиқлади А.Ибрагимова. — Агар жуда қийналаётган бўлсангиз, ёрдам беришим мумкин. Бир-икки танишларим бор. Фақат харажатидан қочмасангиз бўлди.

Унинг гапини эшитиб, Тоҳирнинг ичида чироқ ёнгандек бўлди. А.Ибрагимова хайрлаша ётиб, унга ўзи яшайдиган ижара уйининг манзилини қолдирди.

Ўша куннинг ўзидаёқ Т.Худойбердиев уйидаги топган-тутгани — 2.750.000 сўмни, эртаси куни яна 1.750.000 сўмни олиб бориб беради. Пулларни олган А.Ибрагимова:

— Ишингиз ҳал бўлса, айтаман, сиз хабар олиб туришни унутманг, - дейди.

Иши осонгина битаётганидан хурсанд бўлиб уйига қайтаётган Тоҳир йўлда учратиб қолган таниши Асат Раҳматовга бўлган воқеаларни айтиб берди. Амина опанинг уддабуронлиги, ҳамма жойда танишлари борлигини алоҳида таъкидлайди. Асат кўпдан буён солиқ бўлимига ишга киришни кўнглига тугиб юрган эди. Буни қарангки, Амина опанинг вилоят солиқ бошқармасида ҳам акахонлари бор экан. Фақат...

**(Давоми тўртинчи бетда)**

